


### III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йилнинг январь – июнь ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 10039,0 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 138,0 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Сергели тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 25,4 %и ўзлаштирилди.

Шунингдек Юнусобод тумани жами инвестициялар ҳажмидан 17,4 %ни, Шайхонтохур тумани 9,5 % ни ташкил этмоқда.

Миробод ва Яшнобод туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,0 ва 8,3 % ни ташкил этди.


Бектемир ҳамда Учтепа туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг шаҳардаги улуши 2,8% ва 4,0%ни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг  
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**


	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан % да
<b>Асосий капиталга инвестициялар</b>	<b>10039,0</b>	<b>138,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1831,1</b>	<b>177,0</b>	<b>18,2</b>
бюджет маблағлари	500,0	133,8	5,0
Давлат мақсадли жамғармалари	138,5	56,1	1,4
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	1110,6	10,2 м.	11,0
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	82,0	29,3	0,8
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>8207,9</b>	<b>131,7</b>	<b>81,8</b>
корхона маблағи	4027,9	121,6	40,1
аҳоли маблағи	630,5	83,6	6,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1029,8	152,7	10,3
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	2519,7	180,6	25,1

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга  
инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да**

**2017 йил январь-июнь**




**2018 йил январь-июнь**



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 177,0 % ёки 1831,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 18,2 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 8207,9 млрд. сўм ёки 131,7 % (жами инвестициялардаги улуши 81,8 %).

### Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида саноат етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2384,3 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 23,8 %и ўзлаштирилган.

Саноат тармоғида таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Машинасозлик мажмуаси 551,6 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,5 %);
- Озиқ-овқат саноати 485,3 млрд.сўм (4,8 %);
- Ойнасозлик ва фарфор-фоянс саноати 108,9 млрд.сўм (2,9 %).

Ундан кейинги ўринда транспорт тармоғи 1936,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 19,3 %и ўзлаштирилди.

**2018 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг  
мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>10039,0</b>	<b>7620,9</b>	<b>2418,1</b>
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	41,2	43,7	33,6
Машина, ускуна, инвентар	54,4	54,1	55,5
Бошқа харажатлар	4,4	2,2	10,9

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Шаҳар бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 41,2 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 54,4 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 4,4 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган  
асосий капиталга инвестициялар  
( январь-июнь )**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
<b>Асосий капиталга инвестициялар - жами</b>	<b>10039,0</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	97,8	0,5	1,0
Тоғ - кон саноати	21,8	0,4	0,2
Ишлаб чиқариш саноати	2273,2	20,7	22,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	53,2	0,5	0,5
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	184,6	0,4	1,8
қурилиш	317,6	5,5	3,2

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		2017 й.	2018 й.
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	834,7	9,0	8,3
Ташиш ва сақлаш	1947,8	8,6	19,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	100,1	1,1	1,0
Ахборот ва алоқа	311,7	10,4	3,1
Молия ва суғурта фаолияти	368,0	3,2	3,7
Профессional, илмий ва техник фаолият	327,1	12,3	3,3
таълим	93,0	2,0	0,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	242,5	1,7	2,4
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	1847,1	12,1	18,4
Бошқа фаолият турлари	1018,8	11,6	10,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 21,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 0,2 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 1,3 млрд. сўм, ишлаб чиқариш саноатида 2273,2 млрд. сўм (22,6 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 485,8 млрд. сўм (4,8 %), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 16,4 млрд. сўм (1,6 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 67,8 млрд. сўм (0,7 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 422,9 млрд. сўм (4,2 %), металлургия саноатида 143,7 млрд. сўм (1,4 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 53,2 млрд. сўм, (0,5 %), қурилиш фаолияти турида 317,6 млрд. сўм (3,2 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 1947,8 млрд. сўм (19,4 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш фаолият турида 834,7 млрд. сўм (8,3 %), ахборот ва алоқа

фаолият турида 311,7 млрд. сўм (3,2 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 327,1 млрд. сўм (3,3 %), таълим соҳасида 93,0 млрд. сўм (0,9%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1847,1 млрд. сўм (18,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

### 2018 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



### Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-июнида 1111,8 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 116,5 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 11,0 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Юнусободтуманида 47,7 % , Шайхонтохур туманида 22,5 %, Учтепа туманида 8,5 % ва Яккасарой туманида 7,8 % кузатилди.

млрд.сўм

	Жами инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:	
		инвестиция	кредит		инвестиция	кредит
<b>Тошкент ш.</b>	<b>1 111,8</b>	<b>778,6</b>	<b>333,2</b>	<b>1 029,8</b>	<b>778,6</b>	<b>251,2</b>
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	8,1	8,1	-	8,1	8,1	-
Мирзо Улуғбек	44,0	44,0	-	44,0	44,0	-
Миробод	43,3	43,3	-	43,3	43,3	-
Олмазор	15,8	13,8	2,0	15,8	13,8	2,0
Сергели	1,0	0,9	0,1	1,0	0,9	0,1
Учтепа	94,6	12,6	82,0	12,6	12,6	-
Чилонзор	7,1	5,2	1,9	7,1	5,2	1,9
Шайхонтохур	250,5	250,5	-	250,5	250,5	-
Юнусобод	530,6	302,9	227,8	530,7	302,9	227,8
Яккасарой	87,1	68,6	18,4	87,0	68,6	18,4
Яшнобод	29,7	28,7	1,0	29,7	28,7	1,0

### **Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши**

Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 303,5 минг кв.м, бўлган 1109 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.


Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Сергели туманида ишга туширилган 69,1 минг кв.м. ва у шаҳар бўйича ишга

туширилган жами умумий майдоннинг 22,8 %ини ташкил этди. Кейинги ўринларда Юнусобод, Олмазор туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 22,7 % ва 10,0 %ини ташкил этишган.

### Қурилиш ишлари

2018 йилнинг январь-июнида 4019,2 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 110,9 % қурилиш ишлари бажарилди.

### Туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Шайхонтоҳур туманида 114,3 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 2,1% пунктга кўпайди, мос равишда, Олмазор туманида 113,6 % (6,7 % пункт), Чилонзор туманида 114,1 % (5,3 % пункт), Миробод туманида 112,8 % (5,8 %) кўпайди.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 3855,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,9 фоизни (2017 йил январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 111,5 фоизни) ташкил қилди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 й.  
январь-июнь

2018 й.  
январь-июнь





**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
бажарилган қурилиш ишлари  
(млрд. сўм)**



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 60,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 19,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 20,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 70,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.